**Ушбу сонда:**
2 Касаба уюшмалари меҳнаткашлари ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси
3 Алишер Навоийнинг иқтисодий қарашлари
4 Ноёб мерос

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 28 январ, жума №15 (847)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан ўз қутловларимни йўллашдан бахтиёрман.

Масъулиятли фаолиятингизда Сизга кўпдан-кўп муваффақиятлар тилайман ҳамда мамлакатингизнинг тараққиёти ва равнақи йўлида Сиз билан яқин ҳамкорлик қилишдан умид қиламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Кофи АННАН,**
**БМТ Бош котиби**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Индонезия Республикаси Ҳукумати ва халқи номидан Сизга ғоят қизғин ва самимий қутловлар йўллайман.

Мана шу юксак ва масъулиятли лавозимга қайта сайланишингиз ўз мамлакатингизга қилаётган буюк хизматларингизни равшан намойиш этади. Ишончим комилки, Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида қарор топган икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик сизнинг раҳбарлигингиз остида бундан буён ҳам халқларимиз бахт-саодати йўлида мустаҳкамланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни ва Президент лавозимидаги вазифаларингизни муваффақиятли бажаришингизни истаб билдирган тилакларимни қабул қилгайсиз.

**К.Х.Абдураҳмон ВОҲИД,**
**Индонезия Республикаси Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайтадан сайланганингиз муносабати билан ўз табрикларимизни йўллаш бизга мамнуният бахш этади. Сизга мамлакатингиз олдида турган мақсад ва истакларни амалга оширишингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона алоқалар халқларимиз манфаати йўлида янада ривожлана боришига ишончимизни билдирамиз.

**Қобус бин САИД,**
**Уммон Султони.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан грек халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларини қизғин қутлайман, юксак фаолиятингизда каттадан-катта муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса доимий равнақ ва фаровонлик тилаб қоламан.

**Константинос СТЕФАНОПУЛОС,**
**Греция Республикаси Президенти.**

## СУД МУСТАҚИЛЛИГИ – АДОЛАТ ГАРОВИ

***Адолат ҳар қандай тузумнинг, давлатнинг таянчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инсоният тарихида ҳур фикрли кишилар ўз мамлакатларида адолатни таъминлаш учун турли чораларни кўрганлар. Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адолатни қарор топтириш мақсадида инсоният кашф этган энг муҳим восита - бу суд тизимидир.***

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида суд ҳокимиятнинг мустақил тармоғи сифатида эътироф этилган. Унинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши, қабул қилган ҳужжатлари қатъий бўлиб, республиканинг барча ҳудудларида бажарилиши белгилаб қўйилган. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги унинг фаолиятига, Конституцияда белгиланган ваколатларини амалга оширишида ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари аралашмаслигини тақозо этади. Бу эса ҳуқуқий давлатнинг устувор мезонидир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ судлар мустақиллигини таъминлаш масаласига эътибор берила бошланди. «Энг асосий вазифа - ҳақиқий халқчил, адолатли жамият қуриш... Суд ҳокимияти - бу мустақил ҳокимият, - деган эди Юртбошимиз. - Унинг олий бурчи - қонунларга оғишмай риоя қилиш ва фуқаролар томонидан бу қонунларнинг бажарилишини таъминлашдир».

Республикамизда суд тизимини демократлаштириш, унинг тўла мустақиллигини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари суд тизимини тубдан ислоҳ этиш, суд ҳокимиятига нисбатан муносабатни ўзгартириш, суднинг ҳимоя доираси кенгайишини таъминлаш, уни жазоловчи органдан фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш кераклиги тўғрисида қатор ғояларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида бу масалага янада батафсил тўхталди. Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсуниши, суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиш зарурлигини таъкидлади.

Жамиятда адолат қарор топиши кўп жиҳатдан судларнинг мустақиллигига боғлиқ. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, одамлар ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин. Аммо адолатсизликка чидай олмайди. Шу маънода судлар мустақиллигини таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ислоҳотлар узлуксиз жараён бўлиб, босқичма-босқич такомиллаштириб боришни талаб этади. Мамлакатимизда суд - ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди, қатор қонунлар қабул қилинди.

Жаҳоннинг кўпгина ривожланган демократик мамлакатларида судьялар шу давлатларнинг Президентлари томонидан тайинланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида туман ва вилоят судларининг судьяларини Президент томонидан тайинлаш қоидаси белгилаб қўйилганлиги ҳам жаҳон амалиётига батамом мос келади.

Маълумки, судьялар ўз қарорларини давлат номидан чиқарадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг бу масъулиятли лавозимга Конституция кафили бўлган давлат бошлиғи - Президент томонидан тайинланиши мантиқан асосли бўлиб, судьяларга одил судловни тарафкашлик қилмай, холисона амалга оширишдек юксак мақом бахш этади, уларнинг маҳаллий ҳокимият органларидан том маънодаги мустақиллигини таъминлайди.

Суд тизимини юксак маънавиятли, диёнатли, малакали кадрлар билан таъминлаш, айниқса, муҳимдир. Агар судьянинг ўзи адолатли ва фақат қонунгагина итоат қилувчи шахс бўлмаса, ҳар қандай кафолат берилмасин, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш қийин. Шунинг учун судьяларни танлаш, тайинлаш тартибини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Президентнинг 1999 йил 30 июлдаги Фармойишига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида судьяларни тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш масалаларини кўриб чиқувчи комиссия тузилди. Ушбу комиссия судьяликка номзодларни судьялик лавозимига тайинлаш масаласида хулосалар берувчи орган бўлиб, мамлакатда суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштиришга хизмат қилади.

Комиссия судьяликка номзодларни судьялик лавозимига лойиқлиги ҳақида хулосалар беради, судьялик лавозимига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ижтимоий адолат ва қонунийлик кафолатларини таъминлашга қаратилган чора- тадбирларни белгилайди, судьяларнинг малака тайёргарлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, шунингдек, судьяларни танлаш ва тайинлаш бўйича хорижий илғор тажрибаларни ўрганиб, уларни мамлакатимизда жорий қилиш масалалари билан шуғулланади.

Судьяликка номзодларни захирага олиш, уларни судьяликка тайёрлаш ва тайинлашга тавсия этиш бўйича ривожланган давлатлар иш тажрибасига назар солсак, Ўзбекистонда судьяларни тайинлаш тартиби барча демократик тамойилларга жавоб беришига ишонч ҳосил қиламиз.

Шу билан биргаликда, судьяликка номзодларни заҳирага олиш ва уларни судьяликка тайинлаш тартиби бир қадар мукаммалаштирилиши лозим. Авваламбор, судьяликка номзодларни танлашнинг ҳуқуқий базасини яратиш, яъни тегишли меъёрий ҳужжатни қабул қилиш керак. Судьяликка номзодларни заҳирага олиш мустақил комиссиялар томонидан ошкоралик принципларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилса ва бўшаб қолган судьялик ўрнига номзодлар муқобиллик асосида тавсия этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Пировард натижада суд тизимини муносиб кадрлар билан таъминлаш яна бир қадар такомиллашади, деб ўйлайман.

**Фарруҳа МУҲИТДИНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни тайинлаш ва озод қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқувчи комиссия раиси.**

## ОГОҲЛИК - ДАВР ТАЛАБИ

Тошкентда пойтахтдаги барча маҳалла оқсоқоллари ва хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, посбонлари, масжид имомлари, ички ишлар ходимлари, Маънавият ва маърифат маркази шаҳар ва туман бўлимларининг раҳбарлари, «Камолот» жамғармаси вакиллари, ўрта ва махсус таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирокида «Огоҳлик - давр талаби» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мансуров, Ички ишлар вазири З.Алматов, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш.Жалилов, Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, Тошкент шаҳар бош имом хатиби А.Турсунов, Тошкент шаҳар маҳалла оқсоқоллар кенгаши раисининг ўринбосари М.Ғуломов ва бошқалар давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясидаги маърузасида мамлакатимизда тинчлик, осойишталикни мустаҳкамлаш масаласига яна бир бор алоҳида тўхталиб ўтганлигини айтдилар. Зотан, эришаётган барча ютуқларимиз ана шу тинчлик ва осойишталик орқали қўлга киритилмоқда. Айни вақтда Ўзбекистондек буюк давлат вужудга келаётганини кўролмаётганлар ҳам йўқ эмас. Бунга 1999 йил 16 февралда Тошкентда, 15 ноябрда Янгиободда содир этилган террорчилик ҳаракатлари мисол бўла олади.

Ҳали дунёқараши тўла шаклланмаган айрим ёшларимиз хориждаги баъзи диний-экстремистик оқим ва ташкилотларнинг ёлғон тарғибот-ташвиқоти таъсирига берилиб, фожеали йўлга кириб қолгани ҳам сир эмас. Йиғилиш қатнашчилари таъкидлаганларидек, бу ҳол барчамизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга, жойларда, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида кенг тушунтириш ишларини кучайтиришга, жамиятимизга ёт бўлган бундай ғаламис гуруҳлар ҳамда уларнинг гумашталарига нисбатан кескин ва муросасиз курашишга чақиради. Бу борада туман ҳокимликлари, милиция ва прокуратура ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари, педагоглар, дин вакиллари, барча фуқаролар биргаликда ҳаракат қилиши зарур.

**(ЎзА).**



Қуйи Чирчиқ тумани «Сани ЛТД» Ўзбек-Покистон қўшма корхонасида 70 нафар маҳаллий кадрлар ишламоқда. Улар вилоятимиздаги қатор корхоналарга қоғоз қутилари тайёрлашмоқда. Маҳсулотларни асосан «Лаззат» қандолат фабрикаси, Янгийўл ёғмой ҳиссадорлик жамияти олмоқда.

***Суратларда: 1. Цех бошлиғи Абдувоҳид Чўгатоев ва оператор Озод Очилов. 2. Оператор Мирзааҳмад Одилов.***

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



## ИҚТИДОР - МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда институтнинг иқтидорли деб топилган 60 дан ортиқ талабаси ўзининг турли мавзулардаги илмий маърузаси билан иштирок этди.

Иқтидорли талабаларни топиш ва ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзиш, уларнинг Ватанимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшишига шароит яратиш долзарб вазифалардандир. Зеро, иқтидор - миллат бойлиги. Бугунги изланувчан талаба келажакда юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшадиган етук мутахассис бўлиб етишиши мумкин.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов: «Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини эгаллаш учун қанот беришимиз керак», деган эди. Институтда мазкур анжуман ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Унда энг яхши, деб топилган ўнта илмий ишни китоб ҳолида чоп этишга келишиб олинди.

## Санъатшунослар анжумани

Ўзбекистон Бадиий Академияси ташаббуси билан Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида Президентимиз Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» деб номланган маърузасини ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев анжуманда сўзга чиқиб, Юртбошимизнинг маърузасида мамлакатимизнинг бундан буёнги тараққиёти билан боғлиқ долзарб вазифалар, жумладан, миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, мамлакат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни янада юксалтириш билан боғлиқ масалалар ўртага қўйилганлигини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққан санъатшунослар ўз асарлари билан иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол инсонни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшажакларини билдирдилар.

## Футболни ривожлантиришга эътибор

Жиззах вилояти ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев бошқарган ушбу йиғилишда вилоятда футболни ривожлантириш ва янада оммалаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани, футбол клубларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган жамғарма самарали фаолият кўрсатаётгани таъкидланди. Айни вақтда олий табақада тўп сураётган «Суғдиёна» футбол клубининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уни маблағ билан таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

## МУБОРАК ЗИЁРАТ ОЛДИДАН

***Ислом оламининг муқаддас байрамларидан бири - Ийди Қурбонга ҳам оз вақт қолди. Байрам кунлари миллионлаб мусулмонлар муборак ҳаж амалини адо этиш учун Маккаи Мукаррамага боради. Ҳозирда ўзбекистонлик бўлғуси ҳожилар ҳам зиёратга тайёргарлик кўрмоқда. Ўтган йилнинг декабр ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарор бу борадаги ишларни тартибга солишда айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. ЎзА мухбири муқаддас сафарга қандай ҳозирлик кўрилаётгани хусусида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси раисининг ўринбосари Шоазим МИНОВАРОВ билан суҳбатлашди.***

**- Етмиш йилдан зиёд давом этган шўро истибдоди даврида юртимиздан бор-йўғи 86 киши исломнинг асосий арконларидан бири бўлмиш муборак ҳаж амалини адо этишга муваффақ бўлган эди. Юртимиз истиқлолга эришгандан буён эса йигирма мингдан кўпроқ юртдошимиз дилидаги эзгу орзусига эришди - Каъбани зиёрат этишга мушарраф бўлди. Табиийки, бу йил ҳам ҳаж амалини адо этадиган юртдошларимиз талайгина. Шу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз?**

- Авваламбор, мустақиллик йиллари мобайнида маънавиятимиз устуни бўлган муқаддас ислом динига эътибор кучайганини таъкидлаш зарур. Ҳар бир инсоннинг руҳий-маънавий эҳтиёжи бўлмиш диний ибодат эркинлиги таъминланди. Республикамизнинг барча ҳудудларида аввал ёпилиб қолган масжидлар очилди, янгилари қурилди. Ислом дунёсидаги энг мўътабар муҳаддислар - Имом Бухорий, Имом Термизий, тасаввуф аҳлининг пирлари - ҳазрат Нақшбандий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий ҳамда Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий каби алломаларнинг мерослари халқимизга қайтарилди. Бугун исломий қадриятлар ёш авлоднинг маънавий баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда диндорлар ўз диний амалларини мукаммал адо этишлари учун барча шароит яратиб берилмоқда. Хусусан, муборак ҳаж зиёратига боришни истаганларга давлат томонидан барча имконият вужудга келтирилган бўлиб, уларнинг сафари осон ва бехавотир кечиши учун ташкилий чоралар кўрилмоқда.

Бу йилги ҳаж мавсумида ҳам салкам тўрт минг киши уюшган тартибда, ҳеч бир қийинчиликсиз муқаддас сафарни адо этади. Шу йилнинг 1-8 март кунлари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари бўлғуси ҳожиларимизни Жидда шаҳрига элтиб қўяди. Зиёратчиларнинг Маккаи Мукаррамада истиқомат қилиши, самолётларга хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган миқдорда чет эл валютаси ҳукумат қарорига кўра воситачилик ҳақи олинмасдан ажратилади.

**- Муборак ҳаж сафарини ихтиёр қилганлар сони, табиийки, ҳар доим имкондан ортиқроқ бўлади. Шу боис бу борада адолатни таъминлаш йўлида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

- Ҳукумат қарорида муборак ҳаж зиёратига борувчилар рўйхатини тузишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олиш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳокимликлар, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда талабгорларнинг аризаларини қабул қилиб, уларнинг шарт-шароити билан танишиб чиқди. Зотан, ҳаж амалини адо этишни хоҳлаган мусулмонлар жисмонан соғлом бўлишидан ташқари, моддий жиҳатдан ўзини ва оиласини таъминлай олган бўлиши вожибдир. Қолаверса, энг муносиб номзодларни маҳаллалар аҳлининг ўзи танлайди. Маҳалласи танимаган, тан олмаган кишилар рўйхатда йўқ.

**- Аслида, ҳар қандай сафарнинг ўзига хос қийинчилиги бор. Хусусан, муборак ҳаж зиёрати пайтида миллионлаб кишиларнинг бир жойга жамланиши тиббиёт ва истиқомат важҳидан ҳам мураккабликлар келтириб чиқариши мумкин. Бу борада қандай чоралар кўрилмоқда?**

- Муборак ҳаж зиёратини ташкил этиш билан шуғулланаётган ишчи гуруҳ Саудия Арабистонининг Ҳаж ишлари вазирлиги билан доимий алоқада бўлиб турибди. Зиёратчилар ушбу вазирлик талаблари асосида тиббий кўрикдан ўтказилмоқда, юқумли касалликларга қарши эмланмоқда. Сафар давомида зарурат туғилиши мумкин бўлган дори-дармонлар заҳираси ҳам вужудга келтирилди. Зиёратчиларга хизмат кўрсатадиган шифокорлар гуруҳи тузилди. Шунингдек, ҳаж амалларининг баёни китобча ҳолида чоп этишга тайёрлаб қўйилди. Бўлғуси ҳожиларимизнинг гуруҳларига раҳбарлик қиладиган кишилар махсус ўқитилмоқда, ҳаж амалларининг қонун-қоидалари билан таништирилмоқда.

Ҳожиларимизни Маккаи Мукаррамада жойлаштириш масаласи эса деярли ҳал этилган. Ўтган йили Ҳаж зиёратини ташкил этадиган Саудия Арабистони ширкатлари ўртасида ўзбекистонлик ҳожиларни қабул қилиш бўйича танлов ўтказдик. Ватандошимиз Абдураҳмон Туркистоний «Ал-Марва» ширкати танловида ғолиб чиқди. Бизнинг талабимизга кўра, ҳожиларимиз жойлашадиган меҳмонхоналарнинг хизматчиларидан тортиб йўлбошловчи ва ҳайдовчилар ҳам ўзбек тилини билиши шарт. Шубҳасизки, бу ҳожиларимизга янада қулайлик туғдиради.

Шу ўринда мен яна бир масалани таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги ўтган йилги учрашувларимиз пайтида муборак ҳаж амалини адо этиш учун ўз ҳолича келадиган юртдошларимиз сонини чеклашни илтимос қилган эди. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун ҳукуматимиз қарорида мутасадди идораларга тегишли вазифалар белгиланган. Дунёнинг турли бурчакларидан бир неча миллион зиёратчи тўпланадиган жойга ноқонуний йўллар билан борганлар ўз ҳаётини хавф остига қўйиши мумкин.

**Суҳбатдош:**
**Мусулмон НАМОЗ**
**(ЎзА).**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАР ҲАҚ - ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

***Меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари фаоллик кўрсатишмоқда.***

***Хўш, уларнинг бугунги кундаги иш фаолияти қандай?***

***ЎзА мухбири Р.Камолов касаба уюшмалари Фарғона вилоят кенгаши раиси Аҳад МАНСУРОВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.***

## ИМТИЁЗ

— Ўз сафига 731 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган касаба уюшмалари вилоят кенгаши кейинги йилларда ишда бир-бирини такрорлайдиган бўғинларни қисқартириш, ташкилотларни такомиллаштириш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқда, - деди А.Мансуров. - Айни вақтда вилоят ҳокимлиги, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан уч ёқлама битим асосида иш олиб бормоқдамиз. Ушбу битимга асосан Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарларидаги ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари шаҳар йўловчи транспортидан имтиёзли равишда фойдаланмоқдалар. 400 дан ортиқ пиллакор ва комбайнчи дам олиш уйларида бепул ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини яхшилади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналарида жамоа шартномаларини тузишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ҳозиргача 1 минг 751 ана шундай жамоа шартномаси тузилди. Бу шартномаларни тузишда меҳнаткашлар манфаатини янада кенгроқ ҳимоя қилиш учун илгари қўлланилмаган янгидан-янги қоидаларни инобатга олмоқдамиз. Масалан, Тошлоқ туманидаги «Навбаҳор» ҳиссадорлик жамиятида ишлаётган аёлларга йилнинг иссиқ ва совуқ кунларида иш ҳақларига қўшимча 16-20 фоиз ҳақ тўланишини йўлга қўйган бўлсак, Бағдод, Учкўприк, Қува, Тошлоқ, Бешариқ туманлари хўжаликларида меҳнат қилаётган дала ишчиларидан 12 минг 397 нафарининг махсус иш кийимлари билан таъминланишига кўмаклашдик. Эндиликда бу ташаббус вилоятимизнинг бошқа туман ва хўжаликларида ҳам оммалашиб, тузилаётган битим ва жамоа шартномаларида ўз аксини топмоқда.

Вилоят алоқа бошқармаси ва алоқа ходимлари касаба уюшмасидаги жамоа шартномасида икки ёшгача фарзандлари бўлган аёлларга қонуний имтиёзлардан ташқари, ойлик иш ҳақининг уч баробаридан олти баробаригача миқдорида нафақа пули бериш белгилаб қўйилди. Қурилиш ва қурилиш ашёлари касаба уюшмасига қарашли «Кварц» ҳамда Қувасой чинни ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси ва маъмурияти билан тузилган шартномага кўра, ишчи-хизматчиларнинг тушлик овқатлари бепул берилмоқда.

Шунингдек, жамоа шартномаларида касалхона харажатларини корхона ҳисобидан қоплаш, кам таъминланган оилалар фарзандларини ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш, ҳомиладор аёлларни ҳомиланинг бешинчи ойидан бошлаб таътилга чиқариш, аёлларнинг ойлик маошини сақлаган ҳолда иш соатини қисқартириш ва бошқа кўплаб жиҳатлар алоҳида кўрсатиб ўтилган. Энг муҳими, ана шу битим ва шартномаларда кўрсатилган барча имтиёзларнинг амалдаги ижроси таъминланмоқда. Ҳозиргача 670 нафардан ортиқ болага хатна тўйи, 172 нафар ёш оиланинг никоҳ оқшоми корхоналар ҳисобидан ўтказилди. Элликдан ортиқ меҳнат жамоасида аёллар ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан таътилга чиқди.

**— Касаба уюшмалари вилоят кенгаши меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича нималар қиляпти?**

— Бу борадаги ишларни амалга оширишимизда жамоа шартномаси ва унга илова қилинаётган меҳнат муҳофазаси битими ишончли ҳамкор бўлиб қолмоқда. Ушбу ҳужжатларда оғир, зарарли меҳнат шароитида ишлаётганларга қўшимча хақ тўлаш, таътил бериш, иш пайтида жароҳатланганларга товон пули тўлаш, муддатидан олдин нафақага чиқариш каби кўплаб имтиёзлар кўрсатилган.

Бироқ ҳамма корхоналарда ҳам бунга тўлиқ амал қилиняпти, деб бўлмайди. Ана шундай иш жойларида текширишлар ўтказиб, 2000 дан ортиқ турли нуқсон ва камчиликларни аниқладик. Ишловчилар ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли деб ҳисобланган 800 та ускуна ва дастгоҳда, 100 та цехда, 6 та корхонада ана шу камчиликлар бартараф этилгунча иш тўхтатиб қўйилди. Меҳнат муҳофазаси меъёрлари ва қонунларини бузганлиги учун 213 нафар масъул шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ва жарима тўлади, айримлари техник назоратчилар талаби билан ўз вазифасидан озод этилди.

**— Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасида белгиланган тадбирларнинг амалдаги ижроси қандай?**

— Вилоят меҳнаткашларини мамлакатимиз ҳудудидаги санаторий ва дам олиш уйларида, шунингдек, корхона ва ташкилотлар қошидаги санаторий-профилакторийларда соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Шу кунгача қарийб икки мингга яқин бола онаси билан соғломлаштириш марказларида бўлиб қайтди. Вилоятимиздаги 14 та стационар ва болалар оромгоҳларида 28 минг 380 нафар бола ўз саломатлигини тиклаб мактаб кучоғига қайтди.

Ҳозир касаба уюшмалари кенгаши 344 та бирламчи жамоаларни бирлаштирган бўлиб, уларда доимий равишда 57 минг 118 нафар фуқаро жисмоний тарбия ва оммавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.



## Меҳнат ардоқлаган кишилар

Жума Эшматов асли деҳқон фарзанди. У умрининг асосий қисмини янги ерларни ўзлаштириб пахта етиштиришга сарфлади. Қарийб 30 йилдан буён Қарши даштини ўзлаштиришда фаол иштирок этган отахоннинг бир неча фарзандлари бўлиб, улар турли жабҳаларда хизмат қилишади.

Нишон туманидаги « Оқ олтин» жамоа ширкат хўжалиги вакиллар яқинда отахон хонадонига ташриф буюриб меҳнат фахрийси сифатида унга совға улашдилар.

Хўжалик бош ҳосилоти Бахтиёр Назаров тақдим этган совға отахонни бениҳоя хурсанд қилди.

***Суратда: Б. Назаров меҳнат фахрийси Жума бобо Эшматовга совға топширмоқда.***

**Шавкат СУЛТОН олган сурат.**

*Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди*

## ИНСОН ТАҚДИРИ ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

Ҳар қалай кўз тегдими, ё бирор кор-ҳол рўй бердими бинойидек ишлаб юрган Олтинсой тумани халқ таълими бўлимининг собиқ мудири Қурбон Сувонов бирдан ўзгариб, қолди. Ҳатто, энг яқин одамлари ҳам ундаги ўзгаришларнинг моҳиятини тушунмасди. У давринг келди, сур бегим қабилида иш тутиб мактабларнинг хўжалик мудирларини асоссиз ишдан бўшатишни одатга айлантирди. Қадри топталганлар мудир жаноблари бир кун инсофга келиб қолар, деган умид билан ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишмади. Ишнинг бу қадар силлиқ кўчиши мудирга жуда қўл келди. У шу тариқа ўтган йилнинг 26 январ куни ҳеч бир асоссиз 36-ўрта мактаб директори Умар Ашуровни вазифасидан озод этиб, орадан 3 кун вақт ўтгач, бу мактабга, А.Муртазаевни 2 ойга синов шарти билан (1999 йил 31 март кунига қадар) директорлик лавозимига тайинлади.

Кўзлаган режалари хамирдан қил суғургандек амалга ошаётганидан қувонган 30-ўрта мактаб директори Лидия Муратшинани бир гуруҳ ўқитувчиларнинг туман прокуратурасига ёзган шикоят хатига асосан лавозимидан озод қилди.

Туман халқ таълими тизимидаги шов-шувлар ва мудирнинг ўзбошимча ишларининг миси чиқиб қолди. «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман» деганларидек, мактаб директорлари, ўз ҳақ-ҳуқуқларининг устувор ҳимоячиси туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилишди.

Касабақўм раиси 36-умумтаълим ўрта мактаб директори Умар Ашуровнинг ишдан бўшатилиши сабабларини аниқлади. Мактабни таъмирлаш ишларида унинг нотўғри йўл тутганликда айбланганлиги асос қилиб олинган буйруқ нотўғри эканлигини исботлаб берди. Умар Ашуров ҳақиқатда ҳам таъмирлаш ишлари билан боғлиқ бирор бир ҳужжатга имзо чекмаган экан.

Буйруғи чиппакка чиққан Қурбон Сувоновнинг фиғони янада ошди.

- Нима, касаба уюшмаси мудирга хўжайинми, деб туриб олди. Аммо у қанчалик чиранмасин фойдаси бўлмади. А.Умаров беш ойлик «танаффус»дан сўнг қайта директор этиб тайинланди.

30-умумтаълим ўрта мактабининг собиқ директори Л.Муратшинани касаба уюшма қўмитаси ўз ҳимоясига олди. Бу орада туман халқ таълими бўлими мудирининг ўзини меҳнат қонулари асосида ишдан бўшатишга тўғри келди. Собиқ мудир айни вақтда озодликдан маҳрум этилган.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Олтинсой тумани қўмитаси раиси Э.Менгбоев туман халқ таълими бўлимининг янги мудири А.Жаililовга 30-ўрта мактаб директори Л.Муратшинанинг асоссиз ишдан бўшатилганлигини тушунтириб, уни лавозимига қайта тиклади. Касабақўм сўровномаси инобатга олинди.

Хуллас, адолат тикланди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак*

## ҚАЛБ МЕҲРГА ТАШНА

Ўтган йилда Касби туманида ижтимоий ҳимоялаш, моддий ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан бир қанча ишлар қилинди. Жумладан, халқ таълими ходимлари, ўқитувчилар, нафақадаги ўқитувчи-тарбиячиларга ҳам хўжаликлар ҳисобидан арзон нархда дон маҳсулотлари берилди. Саёҳат ва дам олишлари учун бепул йўлланмалар билан таминланди. Ходимларнинг юбилей кунлари эсда қоларли қилиб нишонланди. Туман халқ таълими бўлими касабақўми томонидан 100 нафарга яқин зиё тарқатувчиларга пул мукофотлари берилди.

Бошланғич синфлар, айниқса биринчи синфларга эътибор кучайтирилди. Уларни овқатлантириш, бепул кийим-кечак, дарсликлар билан таъминлашда касаба уюшмаси фаол иштирок этди. Жумладан, туман касаба уюшмаси 10750 сўмлик, пахта тозалаш заводи 83000, «Гулмурод бобо» фирмаси 4000, «Темур ота» фирмаси 10000, «Ободон» кичик корхонаси эса 50000 сўмлик дарсликларни ўқувчиларга тарқатишди.

Илк бор биринчи синфга келган ўқувчиларга 12 турдаги 643846 сўмлик ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг болалари учун 6897896 сўмлик 9100 дона мавсумий кийим-кечаклар олиб берилди. Айни кунда 15 та умумтаълим мактаблари компьютер техникаси билан таъминланган. Уларнинг 4 таси ҳомий ташкилотлар томонидан олиб берилган.

Қисқа қилиб айтганда айтганда, Касби тумани халқ таълими ходимлари касаба қўмитаси корхона ва хўжаликлар касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда шу каби кўплаб хайрли тадбирларга қўл урди. Жорий йилда уларнинг салмоғини янада ошириш мўлжалланган.

**А.ҚИЛИЧЕВ.**

*2000 йил — Соғлом авлод йили*

## СПОРТ БИЛАН ОШНО БЎЛИБ

Соғлом, баркамол авлод камол топган юрт завол кўрмайди. Республикамизда келажагимиз ворислари бўлган ёш авлод тарбиясига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Шу йўналишда бизнинг қўмитамиз ҳам бир қатор тадбирлар ишлаб чиққан. Маълумки, соғлиқни сақлаш ходимлари зиммасидаги асосий вазифа ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир. Амалга оширган қатор тадбирларимиз туфайли ўтган йиллар давомида вилоятимизда болалар ўлими даражаси кескин камайди. Айниқса, истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар ўз самарасини бераяпти. Қўмитамиз ўз олдига қўйган асосий мақсадлардан бири ёшлар дам олишини кўнгилли ташкил этиш. Ўтган йилларда вилоят бўйича 42 минг нафар ўғил-қизлар оромгоҳларда дам олдирилган бўлса, бу йил унга янада янгича маъно касб этиш, ёшларни спорт-соғломлаштириш ишларига кўпроқ жалб этишни ният қилиб қўйганмиз. Вилоятдаги 11 та ўйингоҳ, 18 та спорт зали, 6 та сузиш ҳавзаси, 394 та футбол ва волейбол майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан тадбирлар белгилаганмиз. Гулистон туманидаги оналар ва болалар саломатлик масканидан ҳам кўнгил тўлаётгани йўқ. Унинг ишини жонлантириш борасида ҳам бор куч ва имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.

Вилоятимизда битта болалар уйи бор. Бу ерда ота-она меҳрига зор гўдаклар тарбияланади. «Соғлом авлод йили» муносабати билан қўмитамиз мазкур болалар уйини ўз оталиғига олиб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туришни ўз зиммасига олди. Яқинда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда 17 нафар тарбияланувчиларга иссиқ кийим бош, ширинликлар, дори-дармонлар тортиқ қилдик. Яна бир қатор хайрия тадбирларини ўтказишни режалаштирганмиз. Хуллас, ёшлар ҳамиша қалбимиз ардоғида бўлади.

Бундан ташқари, вилоятдаги барча туман, шаҳар ва қишлоқларда аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, касалликларни олдини олиш борасида ҳам амалий ишлар қилинаяпти.

**Раъно АБДАЛИМОВА,**
**Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси.**

*Касаба уюшма тадбирлари*

## САХОВАТ, МЕҲР - МУРУВВАТ

Қоракўлчилик — азим Бухоро довруғини жаҳонга ёйган тармоқлардан бири саналади. Ҳозир ҳам қоракўл териларига бўлган талаб ниҳоятда катта. Тиллодек жилоланадиган маҳсулотлар ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб турибди.

Қиш-қировли шу кунларда чўпон-чўлиқлар ҳолидан хабар олиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, кам таъминланганларга моддий ёрдам уюштириш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Буни теран англаган вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳомийлар кўмагига таяниб, қоракўлчилар кайфиятни янада кўтариш йўлларини излаяпти.

Янги йилнинг дастлабки кунларидан эътиборан бошланган меҳр-мурувват ўн кунлигида вилоят Кенгашининг раиси С. Сайфуллаева бошлиқ махсус гуруҳ аъзолари қоракўлчилик хўжаликлари томон йўл олдилар. Юсуф Қурбонов, Аҳад Жумаев, Холиқ Бақоевлардан иборат гуруҳ аъзолари яйловма-яйлов кезиб, чўпон-чўлиқларга нафақат ширин сўзлари, балки ҳомийлар томонидан уюштирилган совға-саломларни ҳам тантанали суратда топширдилар.

Амир Темир номли, «Олот», «Кўнча», «Қоракўл», «Қизил Равот», «Жонгелди»га ўхшаган ўнлаб қоракўлчилик хўжаликларининг чўпонларига бир миллион сўмликдан ошиқроқ кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда кўплаб миқдорда дори-дармонлар улашилди. Ибрат олса арзигулик бу тадбирни йилда 2-3 марта ўтказишга келишиб олингани ҳам айни муддао бўлди.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бош ҳомий ташкилот — Бухоро дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти раҳбариятига, касаба уюшмаси фаолларига миннатдорчилик билдирди.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

## АМАЛИЙ ИШГА ҚАЧОН ЎТИЛАДИ?

***Тошкент вилоятида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида қандай ишлар амалга оширилаяпти? Мухбиримиз вилоят йўловчи ташиш концерни ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Муҳаммадали КАРИМОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.***

**— Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида автохўжаликларда содир бўлаётган муаммолар қандай ҳал қилинмоқда? Масалан, Бўка автобус-такси саройи тумандаги салкам юз минг аҳолига хизмат кўрсатиш учун бир кунда зўрға 4-5 та автобусни йўналишга чиқармоқда. Одамлар шахсий таксилар хизматидан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар. Бу борадаги аҳвол ўзгарадими?**

— Иқтисодий муракабликларнинг асосий сабабларидан бири — автосаройлар ҳаракат таркибининг 80 фоизи эскирган техникалардан иборатлигидадир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 сентябрдаги 455-сонли қарорида вилоятлар ҳокимликларига Молия вазирлиги билан ҳамкорликда транспорт турларини янгилаш учун керакли маблағни излаб топиш вазифаси юклатилганди. Лекин, бу борада ҳалигача амалий ишга ўтилмади.

Ўтган йилда Тошкент ва Сирдарё вилоятларида пахта теримида иштирок этувчиларни ташиш ишларига, вилоятимиз автосаройларидан ҳашарчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида автобуслар ажратилди. Пахтакор хўжаликларда ушбу харажатларни тўлаш учун маблағ йўқлиги сабабли уларнинг автосаройларга дебитор қарзлари Тошкент вилояти бўйича 137,3 миллион сўмни, Сирдарё вилояти бўйича 67,2 миллион сўмни ташкил этди. Бу автосаройлар иқтисодий аҳволини қийинлаштириб қўйди. Ҳозирги кунларда 8 та автосарой ёнилғисиз туриб қолди, қолган 10 та автосаройда ҳаракатланиш 50-60 фоиздан ошмаяпти. Оқибатда йўловчиларда автотранспорт хизматидан норозилик кайфиятлари пайдо бўлмоқда.

**— Концерн томонидан тасдиқланган графикларга тўла амал қилмаётган, йўловчилар эътирозига бепарво бўлаётган раҳбарлар, ҳайдовчиларга қандай чоралар кўрилаётир?**

— Аҳолига намунали автотранспорт хизмати кўрсатиш шу соҳа мутасаддиларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Лекин, сафимизда ўз ишига совуққонлик билан қараётганлар ҳам учраб турибди. Биз уларга нисбатан муросасиз бўламиз. Масалан, ўтган йилда 1451 ҳолатда қонунни бузган инженер-техник ходимларга, шу жумладан 12 автосарой раҳбарларига маъмурий чоралар кўрилди. Янгиобод, Паркент, Зангиота, Чиноз ва «Чинол» автосаройлари раҳбарлари тадбиркор мутахассислар билан алмаштирилди.

Йўловчилардан тушган ҳар бир шикоят концерн ва автосарой раҳбарлари томонидан ўрганилиб, жойларга бориб, ижобий ҳал этилади. 1999 йилда 948 та ана шундай ҳолат аниқланиб, 941 ҳайдовчига маъмурий чоралар кўрилди, 7 нафар ҳайдовчи ишдан бўшатилди. Ўз навбатида чипта олмаган 1723 нафар йўловчига жами 126 минг сўмлик жарима солинди.

**— Ҳозирги вақтда давлат автотранспортлари билан шахсий транспортлар рақобати юзага келаяпти. Давлат транспортида имтиёзга эга бўлган кишилар шахсий транспортлар хизматидан ҳам юқоридагидек енгилликлардан фойдалана оладиларми?**

— Тошкент вилоят ҳокимлигининг 1999 йил 22 июндаги «Тендер тўғрисида»ги Низомига асосан тажриба тариқасида вилоятимиз шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида 24 та тендер танлови ўтказилиб, уларга 72 та йўналиш қўйилди. 60 та йўналишда ишлаш ҳуқуқини давлат автосаройлари жамоалари, 12 тасини шахсий автотранспорт уюшмалари қўлга киритдилар.

Давлат автобусларида имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган кишилар тендер асосида ишлаётган шахсий транспорт воситаларида ҳам ўз имтиёзларидан фойдаланишлари мумкин.

Юзага келган муаммоларни ҳал этиш бўйича эса «Ўзавтосаноат» ташкилоти ва банклар ҳамкорлиги йўлга қўйилаяпти. Уларни тезроқ ҳал этишда туман ҳокимликлари, вилоят ташкилотлари амалий ёрдам берсалар айни муддао бўларди.

**Темур ҲАЙДАРОВ**
**суҳбатлашди.**

*Шундай одамлар бор бўлсин!*

# ҚИШЛОҚ ШИФОКОРИ

Меҳнатобод... Бу мен туғилиб ўсган қишлоқ. У Ғиждувон туманининг бошқа қишлоқларига қараганда анча баландликда жойлашган. «Оқ олтин» жамоа хўжалигига қарашли ушбу қишлокда 100 дан ортиқ хонадон бор. Қишлоқ аҳли асосан деҳқончилик билан шуғулланади. «Оқработ», «Шафтоли» қишлоқлари унга қўшни.

Бу уч қишлоқнинг одамлари ҳам хокисор. Айниқса, Ўсар ака Қодировни кишилар алоҳида ҳурмат қиладилар. Етти фарзанднинг отаси бўлмиш Ўсар ака шифокор бўлиб, эрта-ю кеч эл хизматида. Бирор кишининг тоби қочгудек бўлса, дарров Ўсар шифокорникига чопишади.

— Одамлар ҳожатини чиқаришдан ҳам ортиқ бахт борми, — дейди Ўсар Қодиров. — Инсонлар дуоси олтиндан ҳам қимматдир. Энг асосийси одамларга керак эканлигинг.

У кишининг оналари Рисолат биби ҳам қишлоқнинг гапга чечан, кайвони онахонларидан. Юз ёш билан юзлашган Рисолат бибининг суяги меҳнатда қотган. Ҳозир ҳам ғайрати жўш уради.

— Бобомни Эшмуҳаммад бой дер эдилар, — дея ҳикоя қилади момо. — Мингдан ортиқ мол-ҳоли бўлганлиги учун шўро ҳукумати томонидан қулоқ қилинган. Унинг ҳовли-жойларини тортиб олганлар. Мана, кўкрагимизга шамол тегиб мустақилликка ҳам чиқдик. Президентимиз бугунги кунда тадбиркор, қўлидан иш келадиган инсонларга кенг йўл очиб бердилар. Болаларимга савоб ишни кўпроқ қилиш кераклигини уқтиришдан бир дақиқа ҳам чарчамайман.

Ҳа. Момонинг тўнғич ўғли бўлмиш Ўсар Қодиров қишлоқ аҳли учун анчайин хайрли ишларни амалга оширди. Хусусан катта масжид биноси, кичкинтойлар учун 100 ўринли болалар боғчаси, кўприк қурдирди.

«Меҳнатобод», «Оқибат», «Шафтоли»ликлар ўз қишлоқларини меҳнатлари билан кун сайин обод қилмоқдалар. Зеро, инсон қўли тошда ҳам гул ундиришга қодир.

**Насриддин БОТИР**

# МИНГТА ИНШООТ ҚУРДИРГАН ШОИР

## ёхуд Алишер Навоийнинг иқтисодий қарашлари

***Буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодида иқтисодий ғоялар муҳим ўринни эгаллайди. Айниқса, тижорат, савдо масалалари анча мукаммал ёритилган. Унинг асарларида савдогарлик иши маъқулланади, лекин товламачи ва чайқовчилар қаттиқ танқид остига олинади. А.Навоий давлат арбоби сифатида мамлакатда тинчлик-осойишталикни сақлаш, унинг иқтисодиётини ривожлантириш ва ободонлаштиришга катта ҳисса қўшди. Шуниси диққатга сазоворки, у мингта иншоот қуришга ваъда бериб, унинг уддасидан чиққан. Жумладан, кўпгина мадраса, шифохона, ҳаммом, кўприк, работ ва бошқа иншоотларни ўз ҳисобидан қурдирган. Меҳнатнинг жамиятдаги ўрнига, дўстлик-ҳамкорликнинг қудратига юксак баҳо берган.***

Шоирнинг дастлабки ижтимоий-иқтисодий фикрлари шаклланган асари — бу 1469 йилда Ҳусайн Бойқаронинг тахтга келишига бағишланган «Ҳилолия» асаридир. Бу воқеани Навоий зулмат қоронғулигини ёритадиган «ҳилол», яъни уч кунлик ой билан тенглаштиради. У мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий қудрати мустаҳкамланишига, халқ ижтимоий, моддий аҳволи яхшиланишига , феодал урушларга барҳам берилишига, мамлакатда тинчлик ўрнатилишига ишонгани учун ҳам шундай асар вужудга келган эди. Мутафаккир янги тахт эгасини шоҳлар шоҳи деб мақташ билан бирга, муҳим ижтимоий-иқтисодий фикрларни ҳам илгари суради. Ҳукмдорни мақташ Навоий томонидан қўлланилган тактик бир усул бўлиб, унинг асосий стратегик мақсади эса мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий аҳволини яхшилашга, марказлашган қудратли давлат барпо қилишга қаратилган эди. Ана шу нуқтаи назардан қаралганда, унинг энг муҳим соҳаларда юксак ўзгаришлар амалга оширилишига катта умид боғлаганини тушуниш мумкин бўлади.

Шу боисдан ҳам, у шахснинг тарихдаги ролига катта эътибор бериб, мамлакат иқтисодий аҳволи ҳукмдорининг ақл-идроки ва салоҳиятига боғлиқ, деб ҳисоблайди.

Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган даврда мамлакатда ижобий ривожланишлар кўзга ташланди. Савдо-сотиқ кенгайди, ҳунармандчилик ва деҳқончилик яхши йўлга қўйилди. Ирригацион иншоотлар қурилиши ҳам кенгайди. Навоий Марказий Осиё шароити учун ирригацион иншоотларни кенгайтириш — иқтисодий ривожланишга олиб борувчи муҳим омиллардан биридир, дейди. Унинг бевосита раҳнамолиги остида 70 дан ортиқ канал ва ариқлар қазилди. Миллий даромаднинг асосий қисмини қишлоқ хўжалигидан олинадиган даромад ташкил этарди. Феодал жамиятда ирригация иншоотларини қуришни кенгайтириш ўша давр иқтисодиётини ривожлантиришга кенг таъсир кўрсатар эди. Шунинг учун Навоий асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ерни кенгайтиришга, унинг маҳсулдорлигини оширишга катта эътибор қаратди. У бойликни икки йўл билан топиш мумкин, деб ҳисобларди. Биринчи йўли — бу ўз меҳнати билан иқтисод қилиб бойлик орттириш ва ўзига тўқ яшаш. Бундай бойлик тўплашга шоир ҳайрихоҳлик билдирарди. У олинган ва тўпланган бойликни уч қисмга бўлиб, биринчи қисмини кетган харажатга, иккинчи қисмини ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларига, учинчи қисмини эса аҳолининг ижтимоий манфаатлари учун сарфлашга чақиради. Масалан, 1482 йилда ёзилган «Вақфия» асарида шахсан ўзининг ерларидан олинган даромад мисолида даромаднинг ўз харажатлари ва оила аҳлига етарли қисмини олиб қолиб, қолган қисмини аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатига сарфлашга чақирган. Бойлик топишнинг иккинчи йўлига эса, яъни ўғирлик, таъмагирлик ва зўрлик ҳисобига бойлик орттиришга Навоий кескин қарши чиқади. У бундай ишлардан нафратланади ва шу йўл билан бойлик орттираётган кишиларни жамият ҳисобига яшаётган қатлам сифатида таърифлайди.

Унинг дурдона асарларидан бири «Маҳбуб-ул-қулуб»дир. Ушбу асарда Навоийнинг иқтисодий фикрлари, ўйлари, ниятлари мужассамлашган. Бу асарда у жамиятни ижтимоий табақаларга бўлиб, уларнинг жамиятда тутган ўрнини аниқ кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Асарнинг биринчи қисмида уларнинг табақаларига ва касбларига тавсиф беради. Иккинчи ва учинчи қисмларда эса яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида маълумот келтирилади. Муаллифнинг фикрича, деҳқонлар, ҳунармандлар ва чет эллар билан алоқаси бўлган савдогарлар жамиятда моддий неъмат етиштиришда ва мамлакат бойлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Деҳқон ва унинг ишлаб чиқаришдаги роли тўғрисида қуйидаги фикрларни билдиради: «Дон сочувчи деҳқон ерни ёриш билан ризқ йўлини сочувчидир». Деҳқоннинг моддий бойлик яратишдаги ролини қуйидагича эътироф этади: «Қўши ҳам икки зўр полвон бўлиб, юкига бўйсуниб олдида юради... Ҳар не қилсалар ҳаракат, халққа ҳам етар овқат ҳам баракат!» Навоийнинг фикрига кўра, якка киши ҳеч нарса ишлаб чиқара олмайди. Бирон нарса ишлаб чиқариш учун бошқа-бошқа тоифадаги одамлар доим бир-бирлари билан бевосита алоқада бўлишлари керак.

Масалан, деҳқонга меҳнат қуроллари зарур бўлса, ҳунармандга нон керак, деҳқонга ҳам, чорвадорга ҳам ҳунармандчилик ва атторлик маҳсулотлари сув билан ҳаводек зарур. Шундай қилиб, балиқ сувсиз яшай олмаганидек, барча турдаги ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам бир-бирисиз ривожлана олмайди, дейди у. Деҳқонлар ва бошқа соҳада машғул кишилар бир-бирлари билан ишлаб чиқариш жараёнида, тақсимотда, айирбошлашда ва истеъмолда ўзаро алоқада бўлишлари керак.

Буюк шоир мавжуд жамият деҳқон меҳнати устига қурилганлигини эътироф этади. Деҳқон меҳнатининг маҳсулини новвой, унфуруш, қўшчи, ўроқчи, машоқчи ва бошқалар орзиқиб кутади. Демак, бу билан Навоий ишлаб чиқариш муносабатларини эътироф этади. Унинг фикрича, деҳқон меҳнати билан ўз эҳтиёжига зарур бўлган маҳсулотни керагидан кўпроқ ишлаб чиқариб, жамият ва унинг ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган қисмини ҳам моддий неъмат билан таъминлайди. Навоийнинг ушбу фикри қўшимча маҳсулот фақат қишлоқ хўжалигида, деган физиократлар фикрига мос келади.

Мутафаккир қишлоқ хўжалигининг ривожланиши мамлакат қудратини оширишда катта аҳамият касб этади, деган ўта илғор фикрни илгари суради. Бу фикр ўша давр, яъни феодализм даври гуллаб-яшнаган, унинг негизини деҳқончилик ишлаб чиқариши ташкил қилган бир паллада тарихий ҳақиқат ҳам эди.

У жамиятда муҳим табақа ҳисобланган савдогарларнинг ўзини ҳам икки гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳ — чет эл билан савдо алоқалари олиб борувчи савдогарлар. Иккинчи гуруҳ — мамлакат ичкарисидаги олибсотарлар. Хориж билан савдо-сотиқ қилувчи савдогарлар фаолиятини Навоий ижобий баҳолайди. Олибсотарларга эса танқидий кўз билан қарайди. Улар ўз манфаатига хизмат қилиб, бошқалар ҳисобига бойийди. Шунинг учун уларнинг турган-битгани мамлакат учун зарардир, дейди. Савдогарнинг асосий мақсади фойда олишдир. Бири юз, бўзи шойи бўлишга интилади. Бу ерда савдогар Навоийнинг «Ҳотам Тойий» асаридаги ўтин терувчи чолга қарама-қаршидир. Чол куни билан меҳнат қилиб, ўтин теради ва бу ўтинни бозорга олиб бориб, пулга сотади. Ўтин пулига эса истеъмол маҳсулотлари сотиб олади. Бу жойда «товар-пул-товар» жараёни боради. Ўтинчи чолнинг айирбошлашдан кўзлаган мақсади истеъмол қийматидир. Навоийнинг фикрича, савдогарнинг сотиб олишдан мақсади эса қимматроқ сотишдир. Мақсади қийматдир ёки «пул-товар-пул»дир. Демак, унинг фикрида капиталнинг дастлабки формаларидан бири мавжуд бўлган. У шаҳар олибсотарлари ҳақида қуйидагиларни айтади: «Шаҳар олибсотарлари хиёнатчи, ўзига фойда ва бошқаларга қаҳат истовчи, унинг фойдаси халққа зиён, арзон олиб қиммат сотиш унинг орзуси. Олишда шойини бўз дейди, сотишда бўзни мақтаб шойи, дейди. Молини товар ўрнида ўтказа олса, тўхтатиб туриш йўқ. Дўконида инсофдан бошқа барча мол мавжуддир!». Шеърият мулкининг султони ўзи ишлаб чиқариш соҳасида машғул бўлмаса-да, ўз ақлий ва ижодий меҳнати билан жамият учун зарур бўлган табақаларни эъзозлайди, олимлар, табиблар, шоирлар, муҳандислар ва бошқаларни жамият учун зарур қатламдир, дейди. Ана шу касб эгаларини ўз масъулият ва бурчларини сезишга чақиради.

**Абдухалил РАЗЗОҚОВ**
**профессор,**
**Ҳилола ТЎРАХОНОВА**
**тадқиқотчи.**

*Ибрат*

# ТЕХАСЛИК ЎҚИТУВЧИ ДАРС БЕРМОҚДА

***Касби туманидаги махсус ихтисослаштирилган мактабнинг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо астойдил қилинган саъй-ҳаракат яхши натижалар бермоқда. Илм даргоҳида 23 нафар малакали ўқитувчи-мураббий 140 нафар ўқувчига таълим-тарбия беришмоқда.***

9 та фан кабинети, 7 та 100 ўринли ётоқхона, 60 нафар ўқувчига мўлжалланган ошхона фаолият кўрсатаётир.

Мактабда ўқувчилар асосан уч йўналиш: иқтисод, тиббиёт, педагогика бўйича билим-малакаларини эгаллайдилар. Булардан ташқари, 7 та фан ва 6 та спорт тўгараклари ишлаб турибди. Кутубхонада эҳтиёждаги барча дарслик, бадиий адабиётлар мавжуд.

Илм даргоҳида дарслар ўзига хос усулда, яъни мунозара, баҳс, семинар тарзида уюштириб келинмоқда. «Ота-оналар фонди» ташкил этилиб, ундан биноларни таъмирлаш, китоб фондини кўпайтириш, дарсдан сўнг пуллик ўқитиш ишларини кенг йўлга қўйишда унумли фойдаланилмоқда. Ота-оналар кенгашларида очиқ мулоқотлар ташкил этилаётир. Бундай йиғинларда ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши, ахлоқ-одоби, ўқитувчи-тарбиячиларнинг ютуқ ва нуқсонлари, талаб ва истаклари рўй-рост ва ошкора муҳокама қилинмоқда. Бу каби ижобий тадбирлар ўзининг муносиб самарасини бермоқда.

Мана, икки йилдирки, ўқувчиларга инглиз тилини пухта ўргатиш мақсадида АҚШнинг Техас штатидан таклиф қилинган Георгий Натан бор билим ва тажрибасини аямаётир. Шуни таъкидлаш керакки, ихтисослаштирилган мактабда физика, математика, адабиёт фани бўйича вилоят семинар-кенгашлари ўтказилаётир.

Ўқитувчилар жамоаси ўқувчиларни — келажакда юртимиз равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшажакларига ишонч ҳосил қилган ҳолда чуқур билим беришга ҳаракат қилишмоқда.

**Асрор ҚИЛИЧЕВ,**
**Касби тумани халқ таълими бўлими ходими.**

# Махсулот тури кўпаймоқда

Чирчиқдаги «Ўзбеккимёмаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва тури кўпаймоқда. Бу ерда тайёрланаётган иссиқлик алмаштиргич, турбокомпрессор, ҳаво ютгич, барокамера каби ускуналар айниқса харидоргир бўлиб, республикамиздаги йирик қурилишларда, саноат корхоналарида кенг қўлланилаётир. Улар Германия, Франция, Россия каби мамлакатларга ҳам кўплаб экспорт қилинмоқда. Ўтган йили истеъмолчиларга 1 миллиард 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот жўнатиб, режани ортиғи билан уддалаган машинасозлар айни вақтда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ҳам кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.



Самарқанд вилоятидаги Тойлоқ тумани 5-ўрта мактабнинг 29 ёшли меҳнат таълими ўқитувчиси Сожида Шукурова гилам тўқиш санъатини ўқувчиларга пухта ўргатмоқда. Тўгаракда 5-синфдан 11-синфгача бўлган 20 нафардан ортиқ қизлар фаол қатнашмоқда. Улар бу ерда ўрганган ҳунарларини ўз уйларида ҳам синаб кўришмоқда. Фарзандларининг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланаётганларидан ота-оналар мамнун бўлмоқдалар.

***Суратда: С.Шукурова навбатдаги машғулотда.***

**Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

# OLAMDA NIMA GAP

**МОСКВА.** БМТ Бош котиби Кофи Аннан икки кунлик расмий ташриф билан Москвага келди. Ташриф доирасида у Россия президенти вазифасини бажарувчи Владимир Путин, ташқи ишлар вазири Игор Иванов, фавқулодда ҳолатлар вазири Сергей Шойгу, ташқи разведка хизмати директори Вячеслав Трубников билан музокаралар ўтказади. Хабарларга кўра, музокараларда Чеченистондаги можароларни бартараф этиш, Абхазия, Тоғли Қорабоғ ва Тожикистондаги вазият хусусида фикр алмашилади.

* * *

Хабарларга қараганда, Шимолий Кавказда террорчиларга қарши ўтказилган операциялар мобайнида 10 мингга яқин жангари йўқ қилинган. Россия қуролли кучлари Бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари Валерий Манилов журналистлар билан учрашувда шуни маълум қилди.

Унинг айтишича, ушбу ҳарбий ҳаракатлар бошланмасдан аввал Чеченистонда тахминан 22-25 минг жангари бўлган. Доғистонни озод этиш чоғида 2 мингдан зиёд жангари қириб ташланган. Шунингдек, Грозний ва Чеченистон жанубидаги жанглар пайтида Россия ҳарбийлари томонидан 4 минг жангари йўқ қилинган.

* * *

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига кўра, 1999 йил декабр ойида халқаро экстремистик ташкилотлар Чеченистондаги жангариларга 4,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ етказиб берган. Россия қуролли кучлари Бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари Валерий Манилов шуни маълум қилди.

Унинг айтишича, террорчи Ҳаттоб «Мусулмон биродарлар» Бутун жаҳон лигасининг Чеченистондаги вакили ҳисобланади. АҚШ, Европа, Яқин ва Ўрта Шарқдаги экстремистик ташкилотлардан Ҳаттоб ва Басаевга катта миқдордаги молиявий ёрдам келиб турибди.

Россия мудофаа вазирлигининг маълумотига кўра, айни пайтда халқаро экстремистик ташкилотлар Афғонистон, Буюк Британия, Франция ва бошқа мамлакатлар ҳудудларидаги лагерларда террорчиларни тайёрлаш ишларини амалга оширмоқда. Жумладан, халқаро террорчи Усама бин Ладен турли миллатга мансуб 5 минг нафар жангари тайёрлаб, Чеченистондаги жанговар ҳаракатларга юборишни режалаштирган.

* * *

**КИЕВ.** НАТО Бош котиби Жорж Робертсон икки кунлик расмий ташриф билан Украинага келди. Ташрифнинг биринчи куни у Украина президенти Леонид Кучма, Бош вазир Виктор Юшенко билан учрашди. Учрашувлар чоғида Украина ва НАТО ўртасидаги алоқалар истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

28 январ куни Ж.Робертсон Одессага ташриф буюради.

* * *

**МЕХИКО.** Мексика қирғоқ қўриқчилари мамлакатнинг балиқ овлайдиган «Валерия» кемасини текширувдан ўтказиш чоғида 5,5 тонна кокаинни мусодара қилди. Шунингдек, кемадаги 6 нафар киши ҳибсга олинди. Айни пайтда ушбу жиноий иш устидан тергов олиб борилмоқда.

* * *

**ҚОҲИРА.** Келаси ҳафтада Москвада Яқин Шарқ масаласи бўйича ўтказиладиган кўп томонлама музокараларда Миср ҳукумати ҳам иштирок этади. Миср Араб Республикаси президенти Ҳусний Муборак шундай деб баёнот берди.

Президентнинг таъкидлашича, бўлажак учрашувда Яқин Шарқни ядро қуролидан ҳоли зонага айлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилиши лозим.

Сўнгги йилларда расмий Қоҳира Исроилнинг ядровий арсеналлари масаласи юзасидан бир неча марта ташвиш билдириб келмоқда. Бироқ, шунга қарамай, Исроил ҳукумати ядровий қуролларни тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномани ҳалигача имзолагани йўқ.

* * *

**ОСТОНА.** Ислом тараққиёти банки бошқармаси Қозоғистонга 20 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ажратиладиган маблағ мамлакатдаги Остона-Караганда автомобил йўлини қайта таъмирлаш лойиҳасига сарфланади.

**(ЎзА).**

OLAMDA NIMA GAP

*Контрактация шартномаси қандай бажарилмоқда ?*

# СУДРАЛИШ ТОКАЙГАЧА

***Очиғини айта қолайлик: кўпчиликнинг дастурхони ҳозир сариёғ, пишлоқ каби сут маҳсулотларига сероб эмас. Чунки бозорда бундай маҳсулотлар жуда қиммат ва асосан пештахталарда хориждан келтирилганларини кўрасиз. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани эса кам, эҳтиёжни қондирмайди. Бундай ҳолнинг сабабини ахтаравер-сангиз, калаванинг бир учи чорвачиликдаги аҳволга, яна бири эса қайта ишлаш корхоналарига бориб тақалади.***

Оқтош шаҳридаги ёғ-пишлоқ заводи фаолият бошлаганига 30 йиллар бўлган. У 1994 йилда «Саломатлик» акциядорлик жамиятига айлантирилди. Корхона бир кеча-кундузда 30 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Аммо ҳозир кунига 3-3,5 тонна сут қайта ишланаяпти, холос. Бунинг сабаби эса Нарпай туманидаги жамоа ва фермер хўжаликлари контрактация шартномаларини бажармаётганидадир. Масалан, ўтган йили тумандаги 12 та жамоа хўжалигидан 9 таси, 14 та фермер хўжалигидан 8 таси ўзларининг шартномавий режасини бажармаган. Хусусан, Улуғбек номли жамоа хўжалиги 27 фоизга, Навоий номли хўжалик 42, «Бобобек» фермер хўжалиги 7, «Шоди бобо» фермер хўжалиги эса режани бор-йўғи 8 фоиз уддалаган, холос. Бундай масъулиятсизлик «Саломатлик» акциядорлик жамиятининг иқтисодий ўнгланиши йўлида жиддий тўғаноқ бўлиб турибди. Бизнингча, туман ҳокимлиги ва тегишли туман инспекцияси контрактация шартномаларининг бажарилишини қатъий назоратга олса мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, бу туман иқтисодиётига ҳам катта фойда беради.

— Ҳозир биз сут таъминотини кўпайтириш йўлларини излаяпмиз. Шартнома бўйича топширилган маҳсулот учун хўжаликларга пул тўлаш тизимини яхшиладик. Уларнинг талабига кўра омухта ем ҳам етказиб бераяпмиз, — дейди «Саломатлик» акциядорлик жамияти раиси Ҳасан Халилов. — Аҳолидан сут сотиб олиш кўпайди. Лекин ишларни янада яхшилаш, корхона қувватидан тўлароқ фойдаланиш учун туман ҳокимлиги ва тегишли идораларнинг ёрдамига муҳтожмиз.

Корхонамизда сариёғ, пишлоқ каби 8 тур сут маҳсулотлари ва ёзги мавсумда музқаймоқ ишлаб чиқарилади. Маҳсулот турларини ва миқдорини кўпайтириш имкониятимиз бор.

Чорвачиликда бир қадар барқарорликни таъминлаган туман ҳокимлиги хўжаликларнинг қайта ишлаш корхоналари, хусусан, «Саломатлик» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликнинг янада изчил бўлиши чора-тадбирларини излаб, унинг амалда таъминланишига эришса юқоридаги муаммо ўз ечимини топган бўларди.

**Рустам ҚУРБОНОВ,**
**«ИШОНЧ» мухбири.**

# «Даритал» ташқи бозорга кириб бормоқда

Урганчдаги «Даритал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасининг пойафзалчилари ўзларининг дастлабки маҳсулотлари туркумини экспортга жўнатди. Унга умумий қиймати 70 минг АҚШ долларига тенг бўлган, замонавий ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган бир неча минг пойафзал кирди.

Ўтган йилнинг ўртасида «Хоразм пойафзали» акциянерлик жамияти ва Италиянинг машҳур «Берпел» компанияси томонидан тузилган қўшма корхона, ҳозирданоқ, Хоразм вилоятининг иқтисодиёти ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу ерда асосий қисми ёшлардан иборат бўлган 150 киши юқори иш малакасига эга бўлиб, доимий ва яхши ҳақ тўланадиган иш билан таъминланди. Қийинчиликларга қарамасдан, корхона бир неча ой ичида қиймати 230 миллион сўмдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди, бу эса кўзланганидан ҳам анча кўпдир.

# СОҒЛОМ ОНАДАН — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

Жорий йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши кўплаб соҳа мутахассислари шу жумладан, аёллар ва болалар шифокорлари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Мана шу мақсадни ўзларига дастур қилиб олган Яккасарой туманидаги 23-сон оилавий поликлиникаси шифокорлари бир қанча ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Олий тоифали шифокор, акушер-гинеколог Баяна Ажигалиева кўп йиллардан бери она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишда самарали меҳнат қилмоқда. У аёлларнинг ҳомиладорлик даврида камқонлик касаллигини бартараф этиш, оилани режалаштиришни соғлом фарзанд туғилишида муҳим омиллардан бири, деб ҳисоблайди. Ҳозирги кунда тажрибали шифокор 4-Қушбеги участкасида аёлларга яқин маслакдош сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ҳисобда турган аёллар билан мунтазам учрашиб, уларга тегишли маслаҳат, тавсиялар, лозим бўлса даволаниш учун кўрсатмалар беради. Фарзанд дунёга келганидан кейин ҳам Б.Ажигалиева сингари қўли енгил шифокорлар назоратида соғлом бўлиб ўсадилар.

**Қ. ШОКИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



***Суратда:* акушер-гинеколог Б.Ажигалиева (чапда) ва ўз ишининг устаси Р.Жабборова беморни тиббий кўрикдан ўтказишмоқда.**

**И.Ҳасанов олган сурат.**

# DИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Бадиий академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Архитекторлар уюшмаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Фарғона вилоят ҳокимлиги Бурҳониддин ал-Марғиноний ёдгорлик мажмуи лойиҳаси ва макети ҳамда юбилей эмблемасини яратиш бўйича Республика очиқ танловини эълон қилади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги совринлар белгиланган:

Энг яхши ёдгорлик мажмуи лойиҳаси ва макети учун:
битта биринчи ўрин - 300 000 сўм
битта иккинчи ўрин - 200 000 сўм
энг яхши юбилей эмблемаси учун 100 000 сўм

Танловда ғолиб деб топилган ёдгорлик мажмуи лойиҳаси ва эмблема амалда татбиқ этилади ҳамда матбуотда кенг ёритилади.

Танловда профессионал ва ҳаваскор меъморлар гуруҳи, дизайнер, график рассомлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган лойиҳалар:

Бурҳониддин ал-Марғиноний ёдгорлик мажмуи лойиҳаси, макети ва юбилей эмблемаси - усул, қўлланилган материал жиҳатдан чегараланмайди ва 2000 йил 28 февралгача қуйидаги манзилга топширилиши шарт: 700029, Тошкент ш., Ш.Рашидов кўчаси, 40 уй.

Маълумот учун телефон: 56-53-46.

# НОЁБ МЕРОС

**Халқимизда «Ҳунарли киши - хор бўлмас», «Ҳунар - ҳунардан ризқинг унар» каби ибратомуз мақоллар бор. Бу бежиз айтилмаган. Айниқса, ота-боболар қолдириб кетган ажойиб мерос - ўзбек миллий ҳунармандчилиги асрлар оша ўзининг кўрки-жозибаси билан дунё халқларини мафтун этиб келмоқда.**

**Мустақиллик йилларида ҳунармандларга кенг имкониятлар яратиб берилди. Шовот тумани «Ҳунарманд» уюшмаси фаолияти ҳам амалий санъатни ривожлантиришда уста-ҳунармандларнинг ролини оширишга ва ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлашга қаратилгандир. Туман «Ҳунарманд» уюшмаси раиси Кўчқор ака Курбонбоев ва уюшманинг бир гуруҳ аъзолари биз билан суҳбатда шу хусусда гапирдилар:**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳунарманд» уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ривожлантириш тўғрисида"ги қарорига биноан туманимизда «Ҳунарманд» уюшмаси ташкил этилганига икки йил бўлди. Ушбу давр мобайнида уюшмамизга аъзо бўлиб кирган халқ усталари қошида бадиий ҳунармандларни ва амалий санъат усталарини тайёрлаш бўйича якка тартибдаги уста-шогирд мактаблари фаолияти кенг йўлга қўйилди. Ўтган йили 70 нафардан зиёд ёшлар касб-ҳунар ўргандилар. Усталардан темирчи Бекпўлат Назаров, каштачи Моможон Кўчқорова, темирчи аёл Нурония Курбонова, миллий чолғу асбоблари устаси Рўзибой Бобожонов, Худойберди Жуманиёзов, ўймакор-наққош Дилшод Солихонов, тикувчи Гулсара Ваисоваларнинг ишлари таҳсинга сазовор бўлмоқда. Айни кунда уюшмамизнинг 50 нафар аъзолари ўзларининг маҳоратини намойиш этмоқдалар.

Уюшмамиз халқ усталари ва ҳунармандларининг меҳнат фаолиятини йўналтиришга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун асосида ҳимоя қилишга, уйларда ишлашлари учун шароит яратиб беришга, зарур хом ашёлар, асбоб-ускуналар, кичик механизация воситалари билан таъминлашга, ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўз корхоналари орқали сотишга ва экспорт қилишга яқиндан кўмаклашади. Шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан юқори сифатли бадиий маҳсулотлар тайёрлаган халқ усталари ва ҳунармандларнинг маҳсулотларини кенг оммага танитиб, кўргазмалар ташкил этиб боради.

Ёшларга халқ анъаналарини сақлаган ҳолда юқори бадиий савиядаги халқ санъати буюмлари намуналарини яратишга ҳунар билим юртларида таҳсил олишларига, усталарга шогирд қилиб беришга тавсия этади.

Туман халқ усталари ва ҳунармандлари эркин ижодий фаолият кўрсатиб, саноатни ривожлантиришга даъват қилинади ва усталар билан саноатчиларнинг манфаатлари бирлаштирилади.

Халқ ҳунармандлари агар у «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлса, якка тартибда уйларида устахоналар, цехлар очиш ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотига ўзи нарх белгилаш ҳуқуқига эгадир. Бундан ташқари, ҳунармандлар маҳсулотларини бозорда эркин сотиш, дўконлар очиш, вилоят ва республикада ўтказиладиган кўргазмалар, савдо ярмаркаларида қатнашишлари мумкин.

Туманда якка тартибда ҳунармандчилик билан шуғулланаётган фуқаролар аъзо бўлиши учун йилда бир марта аъзолик бадалларининг (энг кам ойлик маошининг икки баровари миқдорида) тўлаб боришлари белгиланган. Ҳар ойда бир марта қилган ишлари юзасидан уюшмага ҳисоб берадилар. Ўзбекистон Республикаси Қонунларини ҳурмат қилган ҳолда унга оғишмай риоя этадилар.

### ОТА КАСБДА ХОСИЯТ КЎП

**Отабой Қурбонбоев, миллий чолғу асбоблари устаси.**

- Ривоят қилишларича, бир одамнинг ишлаб у топгани, бу топганига етмас, битта нони ҳеч икки бўлмас экан. Охири у бир донишманд одамдан маслаҳат сўрабди: «Нега шундай? Қанча елиб-югуриб ишламай, рўзғоримни эплолмаяпман?»

- Ота касбингизни тутинг, дебди донишманд.

Шундан сўнг у ота касбини давом эттириб ишлай бошлабди. Орадан кўп вақт ўтмай ўзига тўқ, бадавлат бир одамга айланибди. Ота касбида маъно кўп. Шу боисдан бўлса керак, мен ҳам санъаткорликдан ташқари отам касби темирчилик болғасини қўлга олдим. Мана ўн икки йилдирки, қишлоқ хўжалиги машина-механизмларини таъмирлашда асқотадиган темир асбоб-ускуналар ясайман. Ўғлим Баҳодир ҳам темирчилик устахонаси очиб, меҳнат қилаяпти.

Ўша ёшликдаги санъатга бўлган қизиқишим туфайли миллий чолғу асбобларини ясашга ҳаракат қиламан. Ана ўшанда Шовотга келиб, «Феруз» ашула ва рақс дастаси тузган уста ҳофиз Комилжон ака Отаниёзов билан бирга ишлаган кезларим ёдимга тушади. Қулоқларим остида ғойибдан таралаётган бир куй-қўшиқ янграгандай бўлади. Шундай пайтда қўлимга яна тор олиб куйлайман. Темирчилик ҳам санъаткордан ижодий меҳнат қилишни, нозик таъб билан ишлашни тақозо қилади. Нафақага чиққанлигим учун ўғилларим ва шогирдларимга фидойилик билан ишлашни, халқ диди ва талабига монанд буюмлар тайёрлашни ўргатяпман.

### ИХЛОС

**Аҳмаджон Муродов, - заргар.**

Сўнгги пайтларда ёшлар ўртасида рўй бераётган ҳар хил гап-сўзлар, баъзи ақидапараст йигитларнинг моддий бойлик орттириш ниятида жиноятларга қўл ураётганлиги ҳақидаги «миш-миш»ларни эшитиб қаҳр-ғазабим ошиб кетади. Улар ўзларининг нопок қилмишлари билан аввал ўз ота-онаси, элу-юрти, қолаверса, бутун ўзбек йигитлари шаънига доғ тушираяптилар. Очиғини айтганда, уларнинг аниқ бир мақсади йўқ. Келажак тўғрисидаги тасаввури қоронғу. Акс ҳолда ножўя йўлга қадам босмас эдилар.

Ҳукуматимиз ёшларнинг ўқиши, илм-фан сирларини ўрганиши, касб-ҳунарларни эгаллашлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериб қўйибди. Фақат бунинг учун ҳалоллик ва фидойилик, ўқиш, изланиш, меҳнат қилиш керак. Мана мен олий маълумотлиман. Санкт-Петербург шаҳридаги технология олийгоҳини имтиёзли диплом билан тугатганман. Бундан ташқари заргарлик ҳунарини ҳам биламан. Ўйлаб қарасам, туманимизда биронта заргарлик устахонаси йўқ экан. Туман «Ҳунарманд» уюшмаси ёрдамида бозор қошида устахона очдик. Айни кунларда халқимизга сидқидилдан хизмат кўрсатмоқдаман.

### МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР УСТАСИ

**Нурия Болтаева, тикувчи-зардўз.**

- Ўзбек аёли ўз зиммасидаги масъулият ва бурчни ҳамиша ҳис қилиб яшайди. Бу аввало оилага, фарзандлари тарбиясига садоқат, масъуллик бурчидир. Уй-рўзғор юмушларини бажариш, фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш билан бирга меҳнат қилиш, бирон-бир касб-ҳунарни ўрганиш ҳам керак. Бу аёлнинг нафақат ижтимоий ҳаётдаги, балки оиладаги мавқеини ҳам мустаҳкамлайди. «Соҳибкор» жамоа хўжалигида яшайман. Уйда ўзбек миллий чопонларини, кийим-кечаклар тайёрлайман. Ҳозирги кунда тўрт нафар қизга тикувчи-зардўзлик сирларини ўргатяпман. Қизим, икки ўғлим бор. Турмуш ўртоғим Мадамин Матёқубов ҳам ҳунарманд. Қишлоқдаги техника-таъмирлаш устахонасида ишлайди.

### ТЕМИРГА ЖОН КИРГИЗИБ

**Бекпўлат Назаров, уста.**

- Ҳар бир инсон болалигидан бошлаб бирон-бир касб-ҳунарга эътиқод қўймоғи даркор. Акс ҳолда у ҳаёт йўлини тўғри танлай олмайди. Чунки келажакдан турмуш тарзининг фаровон бўлиши ўзига боғлиқ. У ўз ҳунари, меҳнати орқасидан рўзғор тебратади. Ота-оналик бурчини адо этиб, фарзандларини тарбиялайди.

Баъзи кишиларга темирчилик оддий бир касбдек туюлади. Аслида-чи? Ўта нозик дидни талаб қилади. Болға ва сандон зарбидан темирга ҳам жон киради. Бу мўъжиза. Ахир, темирга жон киргизиш осонми? Истиқлол барча уста-ҳунармандлар каби темирчиларнинг меҳнат қилишига, ўзи тайёрлаган буюмни ўзи бозорга олиб чиқишга, моддий ва маънавий манфаатдорлигини оширишга кенг имконият яратиб берди. Айниқса, «Ҳунарманд»лар уюшмаси ташкил этилганидан сўнг ҳунармандчиликни ривожлантиришга диққат-эътибор янада кучайди.

Мен ҳам ҳунармандлар уюшмасига аъзоман. «Хитой» қишлоғининг «Қизилой» участкасида истиқомат қиламан. Темирчилик касбида ишлаётганимга ўттиз йил бўлди.

Қишлоқда хусусий темирчилик устахонаси очиб ёшларга ўз касбимни ўргатяпман. «Уста-шогирд» мактабида ўн нафар ўспирин йигитга темирчилик касбини ўргатдим. Пичоқ, ўроқ, болға, кетмон, болта, паншаха каби уй-рўзғор буюмларига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳеч қачон йўқолмайди. Ҳозирги кунда шогирдларимиздан Баҳром Назаров, Шихназар Абдуллаев, Норбой Бобожоновлар ҳам мустақил равишда меҳнат қилаяптилар.

Устахонамиз ҳунармандлари Ибн Сино номли мактабни ҳомийликка олишган. Мактаб биносини таъмирлашга ёрдам берамиз. Кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган ўқувчиларга ва аълочиларга ўзимиз ишлаб топган маблағдан стипендия ажратганмиз.

**Роза САЙДАМЕТОВА,**
**Ҳамдам САФАРБОЕВ.**

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида 2000 йилнинг дастлабки тадбири - мамлакатимиз рассомларининг автопортретлари кўргазмаси очилди. Унда олтмиш нафар муаллифнинг олтмиш бешта асари намойиш этилмоқда.

# АВТОПОРТРЕТЛАР НАМОЙИШИ

Автопортрет тасвирий санъат жанрлари орасида ўзгача ўрин тутади. У ҳар бир ижодкордан алоҳида малака ва маҳорат талаб этади. Зотан, автопортрет орқали муаллиф ўзининг ташқи қиёфасини ифодалабгина қолмай, дунёқарашини, атроф муҳитга, табиатга муносабатини ҳам акс эттиришга интилади. Кўргазма билан танишган санъат мухлислари бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Ўзбекистон халқ рассомлари, Ўзбекистон Бадиий академияси академиклари Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Баҳодир Жалолов, Акмал Икромжонов асарлари билан бир қаторда, Тоҳир Миржалилов, Азиза Маматова каби иқтидорли ижодкорларнинг автопортретлари ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**(ЎзА).**

*Футбол*

# ФИФА РЕЙТИНГИ: ЭРОН ЮКСАЛИШДА

Яқинда ФИФА томонидан терма жамоаларнинг 1999 йил декабр ойидаги рейтинги эълон қилинди. Агар мазкур рейтинга, терма жамоаларнинг жаҳон футболидаги ўрнига назар ташлайдиган бўлсак, ўтган йилнинг сўнгги ойида аксарият терма жамоалар дам олганликлари боис унда деярли кескин ўзгаришлар рўй бермаганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Жаҳон футболига ҳақиқий футбол раққосларини етказиб беришдан толмаётган Бразилия термаси 839 очко билан пешқадамликни ўз қўлида ҳали-ҳамон мустаҳкам ушлаб туришини яширмаётган бўлса, кейинги ўринларни банд қилиб турган Чехия, Франция ҳамда Испания терма жамоалари ўз жойларини тез-тез бирбирларига бўшатиб беришга мажбур. Чунки мазкур жамоалар очколари ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас.

Энди рейтингдаги ўзгаришлар ҳақида. Осиё вакили Эрон терма жамоаси Америка қитъасида ўтказган сўнгги бир нечта муваффақиятли ўртоқлик учрашувлари эвазига бирданига 5 поғона юқори кўтарилди. Агар Эрон термасининг «Осиё юлдузлари»ни шармандали мағлубият (5:0) аламини тотиб кўришга мажбур этганлигини ҳам ҳисобга олсак, жамоа яқин йилларда янада юксаклик томон кўплаб поғоналарни босиб ўтишига ишонч билдириш мумкин. Айни кунларда Нигерия ва Гана ўйингоҳларида навбатдаги қитъа чемпионати баҳслари бўлиб ўтаётганлиги боис кейинги ой жаҳон футбол рейтенгида анчагина ўзгаришлар бўлиши турган гап.

Мамлакатимиз терма жамоаси эса 513 очко тўплаган ҳолда 55-ўринда бормоқда. Қўшниларимиз Тожикистон (120-ўрин), Қозоғистон (123-ўрин), Туркманистон (130-ўрин) ҳамда Қирғизистон (159-ўрин) терма жамоалари эса жаҳон футболида эгаллаб турган ўринлари билан кўпам мақтанишолмайди.

# РИВАЛДОНИНГ «НАРХИ» ҚАНЧА?

Испаниянинг «Барселона» жамоаси аъзоси, ўтган йилнинг энг яхши футболчиси Ривалдо яқин ойларда ўз жамоасини ўзгартириши мумкин. Буни клуб президенти Луис Нунес расман эълон қилди. Бразилиялик юлдузнинг бундай қарорга келишига асосий сабаб қилиб эса жамоа бош мураббийи ҳамда футболчи ўртасидаги келишмовчиликлар кўрсатилмоқда. Шунингдек, клуб Ривалдонинг «нархи»ни ҳам белгилаб қўйган: камида 60 миллион доллар, баъзи матбуот нашрлари эса «Барселона» клуби Ривалдо учун унчамунча эмас, 100 миллион АҚШ доллари сўраётганлиги ҳақида фикр билдирилмоқда. Агар шамол бўлмаса, дарахт учи бекорга қимирламайди, деган ҳақиқатга амал қилган ҳолда мазкур шов-шувларга қулоқ тутадиган бўлсак, ҳеч қўрқмасдан айтиш мумкинки, яқин йилларда 100 миллион доллар футболчилар «нархи» учун одатий ҳолга айланса, ажабмас.

Ҳозирча Ривалдонинг ягона харидори Римнинг «Лацио» клуби. Италия жамоаси раҳбарлари футболчини ўз жамоаларида кўриш учун 62 миллион доллар тўлашга тайёр эканликларини билдиришмоқда.

# «ЙИЛ МАКТАБИ» ҒОЛИБИ

Оқ олтин туманидаги 28-инглиз тилини ўрганишга ихтисослаштирилган ўрта мактаб Сирдарё вилоятида ўтказилган «Йил мактаби» ғолиби бўлди. Ижодкор ўқитувчи, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Шукрулло Расулов етакчилик қилаётган бу илм маскани «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш учун баракали меҳнат қилмоқда. Ҳозирги кунда компьютер, лингафон аппарати, овозли ва экранли воситалар билан жиҳозланган ўндан ортиқ фан кабинетларидан ёшларга илм беришда фойдаланилмоқда. Бу мактабда битта олий, 7 та биринчи тоифали тажрибали ўқитувчилар меҳнат қилмоқда.

Математика фани ўқитувчиси Гулмурод Хакимов, инглиз тили фани ўқитувчиси Наргиза Мирзабекова, ўзбек тили фани ўқитувчиси Абдували Маматов, бошланғич синф ўқитувчиси Ойсара Боликулова ва илмий бўлим мудири Абдулатиф Худойқулов ўқитишнинг янги технологиясини, кўп баллик тест-рейтинг тизимини дарсларда қўллаб, самарали натижаларга эришди. Бу мактабда инглиз тили I-синфдан бошлаб ўқитилади.

Ўтган йилнинг сентябрида меҳнат жамоа Юртбошимиз И.Каримовнинг ташаккурномасини олиш-бахтига муяссар бўлди.

Меҳнат жамоаси таълим-тарбия жараёнида халқимиз ўтмиши, авлодлар мероси, буюк олим ва фозил кишилар асарларини кенг тарғиб этмоқда, уларни ёшлар онгига сингдириш соҳасида ибратли ишларни олиб бормоқда. Бу мактабни тугатганларнинг 60-70 фоизи ҳозирги кунда олийгоҳларда таълим олмоқда. Келгуси ўқув йилида мактаб қошида 60 ўринли интернат очиш, унга Ш.Рашидов, Меҳнатобод туманидаги ёшларни жалб этиш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда мактабга қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар келтирилиб жиҳозланмоқда.

Бу илм маскани ёшларга экологик тарбия ва иқтисодий билим бериш соҳасида энг намунали мактаблардан биридир.

Ота-оналар бу мактабда ўғил-қизларининг илм олиб, давримизга муносиб фарзандлар бўлиб етишаётганидан беҳад хурсанд.

Мактаб жамоаси вилоят халқ таълими бошқармаси тавсиясига кўра, республика «Йил мактаби» кўрик танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Яқинда Тошкентда ўтказилган танловда бу мактаб жамоаси «Энг ижодкор жамоа» унвонига сазовор бўлди.

**А.ЖАВЛОНОВ,**
**Оқолтин тумани.**

# ЯНГИ БОЗОР

Шаҳрисабзда қурилиш материаллари бозори ишга тушди. Шарқона услубда қурилган мазкур бозорни бунёд этишга шаҳардаги «Беруний» қўшма корхонаси қурувчилари катта ҳисса қўшди. Эндиликда шаҳар ҳамда қўшни туманларнинг аҳолиси зарур қурилиш материалларини шу ернинг ўзида харид қиладиган бўлди.

1-Тошкент тиббиёт институти томонидан Турсунова Зулфияга 1997 йилда берилган № 165 рақамли диплом **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ишлар бошқармасининг етакчи мутахассиси Холмўмин Дўстмуродовга акаси **Бекмурод ДЎСТМУРОДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия исҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 13.096 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Буюртма Г— 025.

1 2 3 4 5 6